

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Жўраев Нўмон Элмурот ўғли

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
бизнесни бошқариш (Master of Business Administration-MBA)**

“Банк иши” мутахассислиги магистранти

Tel:990785630

numon5630@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6949053>

Аннотация

Мақолада тижорат банкларида комплаенс назоратни ташкил этиш юзасидан хулоса ва таклифларни тақдим этишдир. Ушбу илмий мақолада банк тизимида комплаенс назоратни тадбиқ этишнинг назарий ва амалий асослари, унга таъсир этувчи омиллар ҳамда комплаенс рискинни бошқариш самарадорлиги ёритилган. Шунингдек, тижорат банкларида комплаенс назорат тизимини ташкил этиш юзасидан таклиф ва илмий хулосалар ўрин олган.

Калит сўзлар: комплаенс-назорат, комплаенс, комплаенс дастури, комплаенс аудити, ички назорат.

Ўзбекистон Республикасида 2020–2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) ни босқичма-босқич жорий этиш вазифаси қатъий белгиланган. Хорижий амалиёт таҳлили бозор иқтисодиёти қонунларга асосланган мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишини таъминловчи муҳим воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат (compliance control) тизимини ташкил этиш эканини кўрсатади.

Шу билан бирга, комплаенс бўлимига бўлган эҳтиёж ташкилот учун маълум бир корпоратив стратегиядан келиб чиқади. Яъни, стратегик мақсадлар ва вазифаларга эришиш учун, жумладан:

- 1) хорижий бизнесни сотиб олиш ёки сотиш;
- 2) ташқи капитал бозорларида иштирок этиш;
- 3) акция ва облигацияларни сотиш учун ташқи бозорга чиқиш;
- 4) чет эл кредитларини жалб қилиш;
- 5) стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш ва бошқа мақсадлар учун мукамал комплаенс тизимини ташкил этиш жуда муҳим саналади.

Ушбу белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун комплаенс бўлими томонидан бир қатор чора-тадбирларни амалга оширилиши лозим, шу жумладан: юқори сифатли ҳуқуқий аудитни ўтказиш; ташкилотнинг корпоратив мажбуриятлари ва кафолатларини таҳлил қилиш; ташкилотнинг ички меъёрий ҳужжатларининг амалдаги қонунчиликга мувофиқлигини текшириш, амалдаги комплаенс сиёсати, процедуралари, шунингдек одоб-ахлоқ қоидалари, ташкилотда уларни амалга ошириш даражаси ва сифатини текшириш; учинчи шахсларга тақдим этилган маълумотларни текшириш; бажарилмаган суд қарорлари ва ташкилотни турли давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текширишлар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш; мижозлар билан ўзаро алоқалар сифатини ва ишонч телефонининг самарадорлигини текшириш; ташкилотнинг аудиторлик ҳисоботларини таҳлил қилиш каби амалиётларни ўтказиши лозим.

Банклар тизимида комплаенс-назорат бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги фаолиятни самарали ва таъсирли восита ҳамда усуллар асосида мунтазам ташкил қилиш мақсадида, банкларда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар доимий равишда, алоҳида режа асосида ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Жумладан, банклар ва унинг ҳудудий тузилмаларида Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш юзасидан яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича комиссия тузилди. Унинг асосий вазифаси, банк ва унинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини ҳамда соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўрганиб чиқишдан иборат бўлиб, шу асосда тизимдаги мавжуд коррупцион ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳамда муаммоларини аниқлашдан иборат.

Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ сиёсат, ички тартиблар ва бошқа норматив ҳужжатларни такомиллаштириш, зарур ҳолларда янги ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳам комиссия аъзоларининг муҳим вазифалари сирасига киради. Бу борада қатор лойиҳалар ҳам тайёрланди ва таклиф сифатида банк раҳбариятига киритилган. Уларни яна такомиллаштиришга қаратилган муҳокамалар олиб борилмоқда.

Мазкур йўналишдаги ишларни янада самарали ташкил этиш мақсадида, банклар Бош-қарувининг тегишли қарори асосида 2020 йил декабрь

ойидан банкларнинг Ички назорат бошқармаси қайта ташкил қилиниб, Ички ва комплаенс назорати бошқармаси ва унинг таркибида “комплаенс назорат” бўлими ташкил қилинди. Бугунги кунда бўлим томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кўрилган чоралар натижасида, банкларда тасдиқланган Одоб-ахлоқ қоидалари коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларига тўлиқ мувофиқлаштирилди. Ўз навбатида, қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисида хабар бериш бўйича тартиб ва регламентлар, хизмат жараёнида манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш ҳамда бу ҳолатда ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича тартиб ишлаб чиқилди.

Коррупция ҳолатлари мавжуд бўлиши мумкин бўлган ёки бундай ҳаракатларга уриниш имконияти бор жиҳатлар таҳлил қилиниб, қатор ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди. Булар жумласига мувофиқлаштирувчи органлар билан самарали ҳамкорлик қилиш, хизмат сири ёки махфийлик қоидаларига риоя қилиш, давлат хариди бўйича тартиб ва доимий мониторинг олиб бориш низоми ишлаб чиқилиб, амалга киритилди. Эндиликда мазкур жараёнларда аниқ қоида ва нормалар амал қилади. Уларга амал қилмаслик ёки қабул қилинган қоидаларни четлаб ўтишга уринишлар ўз вақтида аниқланиб, тегишли чоралар кўрилиши ушбу ҳужжатларнинг амалий аҳамияти юқори бўлганини кўрсатмоқда.

Банкларда ишга жойлашиш жараёни шаффоф ва амалдаги қонун талаблари асосида ташкил қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда, айти пайтда бўлим томонидан хизматга қабул қилишда номзодларни текшириш бўйича йўриқномалар ёки ишга қабул қилиш жараёнини тартибга солувчи ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ишлари давом эттирилмоқда.

Банклар тизимида коррупцияга қарши кураш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг яна бир шакли, ходимлар учун тегишли мавзуларда мунтазам равишда семинар-тренинглар ўтказиб турилишидир. Зотан коррупцияга қарши курашда ҳар қандай ёндашув ўз натижасини бериши табиийдир. Уларнинг энг самаралиси эса, касбий салоҳияти билан бир қаторда, ҳуқуқий билимлари ҳам юқори бўлган, миллий қонунчилик ва мижозларга ҳурмат руҳида фаолият олиб борадиган ходимларни тайёрлашдир.

Хулоса

Ўзбекистон тижорат банкларида комплаенс тизимидаги энг яхши халқаро тажриба ва кўникмаларни жорий этиш коррупцияга қарши курашда, банк рискларини бошқаришда, Ўзбекистоннинг хорижда ижобий имиджини

шаклланишида ва иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг халқаро интеграция сари олдинга силжишини ҳисобга олган ҳолда, комплаенс тизими ушбу ҳаракатнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиши шубҳасиз. Тижорат банклари комплаенс назорат қилишни амалга ошириш банк фаолиятининг ажралмас қисмига айланишини вақтида англаб етиб, юқорида таъкидлаб ўтилган тартибда жорий этишни йўлга қўйиш эса, ўз навбатида, банкнинг стратегик ва тактик мақсадларни амалга оширишга ёрдам беради.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Осипов А.В. (2006) Некоторые аспекты этимологии термина "комплаенс-контроль" в банковском праве. Банковское право. № 6 /
2. Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6013 сон.
3. Шарамко М., Гарипов Н. (2016) Институциональный комплаенс-контроль
4. Малыхин Д.В. (2009) Особенности организации комплаенс-контроля в российских банках, Внутренний контроль в кредитной организации. № 2